## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №58

16.08 2022 йил                                                                                Бағдод шахарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хамда ўз низомига асосан фаолият юрутувчи Бағдод туман ХТБ номидан рахбар Д.Каримова (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи "Шухратжон" Х/К номидан рахбар А.Срожидинов (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

### 1.ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қарашли Бағдод тумани ХТБга қарашли 1 мактаб биносини мукаммал таъмирлаш ишларини шартномага илова қилинган 08.07.2022 йил кунги №50430 сонли экспертиза хулосаси ва сметага мувофиқ мукаммал таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган холда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета хужжатларига мос холда» Буюртмачи» томонидан мукаммал таъмирлаш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр холда ўз муддатида «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
1.3 «Пудратчи» иш бажариш вақтида мукаммал таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз хисобидан ўзи таъминлайди.
1.4 «Пудратчи» мукаммал таъмирлаш ишларини 20 иш кунида тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

### 2.ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

2.1 Шартноманинг умумий бахоси 390 000 000(Уч юз тўқсон миллион ) сўмни ташкил қилади.
2.2 Шартнома бахоси ўз ичига КМИ материаллар бахоси тафовутини олади.

### 3.ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» хисоб рақамига олдиндан 30 % аванс тўловини ўтказиб беради.
3.2 Тулов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиклангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг хисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
3.3 Шартнома бўйича охирги хисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сунг 5 кунидан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

### 4.МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1 «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни 20 иш куни яъни 2022 йил 15 август кунидан 2022 йил 09 сентябр кунига кадар бўлган муддатда тўлиқ бажаради.
4.2 Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ғазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг хар иккиси хам конуний кучга эга.
4.3. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

### 5.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 «Пудратчи».
5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «Буюртмачи» га меёрий хужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;
5.1.2 Обектга лойихага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш хамда саклашни амалга ошириш;
5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
5.1.4 Техника хавфсизлиги , ёнгин хавфсизлиги ва обектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
5.1.5 Обект суғуртасини амалга ошириш ;

5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларинида назорат органлари томонидан текширишда ортикча килинган харажатлар аникланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.
5.2 «Буюртмачи»
5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажмни топшириш;
5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган микдорда ва муддатда «Пудратчи»га хак тўлаш;
5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичида объектни кабул килиш мажбуриятларини олади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган тўлов хаки “Буюртмачи” томонидан ўз вактида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.2. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошка мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган холларда айбдор тараф бошка тарафга бой берилган фойдани қўшиб курган зарарни қоплайди.

6.4 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хукукий бартараф етишдан озод етмайди.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1.Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

7.2.“Буюртмачи” “Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат қилиб, “Пудратчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига катъий риоя қилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг тасири ва истакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга халақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яьни табиий офатлар, ноқулай об-хаво шароити хукумат тадбирлари хокимият органлари карорлари, харбий низолар ички тартибсизликлар) ва бошка холларла юқорида айтиб ўтилган холатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб хисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу холатлар давом этиш вақтига сурилади .
8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дархол иккинчи томонни юқоридаги холатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор килиши керак.
8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани хақида ўз вактида (5 кун ичида) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди .

## 9.НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.
9.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал килиб бўлмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартиба иктисодий судида кўрилиши лозим булади.

## 10.ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартнома хар кандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар икала томон имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.
10.2. «Буюртмачи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:
10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.
9.2.2«Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилга ишларни сифати пасайганда.
10.3. «Пудратчи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:
10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлик бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:
10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха хужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлик холда ишларни бахоси 50% кунига камайганда.
10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик қурилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.
10.4. «Буюртмачи»«Пудратчи» нинг биргаликдаги карори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аникланган бажарилган ишлар хажми қийматини тўлайди.
10.5. Шартнома бекор килишга карор қилган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

## 11.БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва коидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.
11.2. Хар икала томон Ўзбекистон Республикаси конунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

## 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

| БУЮРТМАЧИ: | ПУДРАДЧИ: |
|---|---|
| Буюртмачи: Бағдод туман ХТБ | Подрядчик: "Шухратжон " Х/К |
| Манзили: Бағдод шахарчаси Оқ олтин кўчаси | Адрес: Багдод тумани |
| Тел./факс: | Телефон: |
| ШХР: 401722860302097092100075024 | Расчет .счет: 20208000503720916001 |
| Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 200 158 858 | МФО: 00973 |
| ОКОНХ: 97600 | Банк: КУКОН Ш., АТ БАНКИ "УНИВЕРСАЛ БАНК" БОШ ОФИСИ |
| Газначилик номи: Багдод тумани буйича газначилик булинмаси | ИНН: 202468154 |
| Газна х/в: 23402000300100001010 | Код по ОКОНХ: |
| Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ | |
| МФО: 00014 | |
| Газначилик СТИРи: 201122919 | |
| **Рахбар:** **Д.Каримова** | **Рахбар:** **А.Сражидинов** |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: WU8771630110

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi – Shartnoma
2. Loyihaning nomi-Pudrat shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Shartnoma loyixasi Bag'dod tumani xalq ta'limi bo`limi tomonidan ishlab chiqilgan va 15.08.2022 yil kuni taqdim etilgan.

Bag'dod tuman Bag'dod tumani xalq ta'limi bo`limi va "Shuxratjon" X/K o'rtasida 390 000 000 (Uch yuz to'qson million ) so'mlik pudrat shartnomasi to'g'risida.

Shartnoma loyixasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Qonuni va amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag'dod tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti: S.Xamidov

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
Фарғона вилоят Бағдод тумани ХТБ
мудири __________ Д.Каримова

16.08.2022 йил Бағдод тумани

Фарғона вилоят Бағдод тумани Халқ таълим бўлими томонидан 03.08.2022 йил кунги лот №22110012131536 билан 1 мактаб биносини мукаммал тамирлаш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

**Б А Ё Н И № 7**

**Қатнашдилар:** Ш.Ураимов - *Мудир ўринбосари*
Р.Турғунбоев - *Бош мутахассис*
З.Абдурахмонова - 1 *мактаб диретори*
О.Хайдаров - *Тавар- модий қийматликлар хисоби бўйича гуруҳ рахбари*
А.Абдурахмонов - *Давлат харидларива шартномалар бўйича бўлим бошлиғи*

**Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

1. ШУХРАТЖОН Х/К
2. Ulug`bek Bulding Invest МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар бахолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида мухокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан хеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи ШУХРАТЖОН Х/К хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу карорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

**Комиссия аъзолари** Ш.Ураимов

З.Абдурахмонова

Р.Турғунбоев

О.Хайдаров

А.Абдурахмонов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Бағдод тумани ҳокими ўринбосари

________________У.Йигиталиев

"___"____________ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV қарорига мувофиқ маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирлаш учун

2022 йил **М А Н З И Л Л И   Р Ў Й Х А Т И**

| Т/Р | Таклиф ИД си | Объектларнинг номи ва жойлашган манзили | Таклифнинг мақоми | Тўпланган овозлар сони | Ажратилган маблағ | Лойиҳа қуввати, ўқувчи ўрин | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити | | | | | | | | | | Буюртмачи ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Жами капитал қўйилмалар | шу жумладан | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | Қурилиш-монтаж ишлари | Мукаммал таъмирлаш | | Жорий таъмирлаш | | Буюртмачи бошқа харажатлари | | | | |
| | | | | | | | | | ўрин | қиймати (минг.сўм) | ўрин | қиймати (минг.сўм) | Жами | Биржа хизмати | ЛСХ ва экспертиза харажатлари | Сақлаш харажат-лари | |
| | | 1 | | 2 | | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 16 |
| I | | **Бағдод тумани** | | | **2 722 000,0** | **2 190** | **2 722 000,0** | **0** | **0** | **1 808 000,0** | **0** | **894 000,0** | **20 000,0** | **0,0** | **20 000,0** | **0,0** | |
| 1 | 1350400112 | 1-умумий ўрта таълим мактаби, Ўзбекистон МФЙ Ижодкор кўчаси | "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси голиби | 8 344,0 | 902 000,0 | 930,0 | 902 000,0 | | | 450 000,0 | | 448 000,0 | 4 000,0 | | 4 000,0 | | Халқ таълими бўлими |
| 2 | 1350400028 | 17-умумий ўрта таълим мактаби, Муқимий МФЙ Бирдамлик кўчаси | "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси голиби | 4 979,0 | 900 000,0 | 940,0 | 900 000,0 | | | 450 000,0 | | 446 000,0 | 4 000,0 | | 4 000,0 | | Халқ таълими бўлими |
| 3 | 1350400018 | 30-умумий ўрта таълим мактаби, Кўғоли МФЙ Болғоли кишлоғи | "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси голиби | 2 257,0 | 920 000,0 | 320,0 | 920 000,0 | | | 908 000,0 | | | 12 000,0 | | 12 000,0 | | Халқ таълими бўлими |

" К И Р И Т И Л Д И "

Бағдод тумани ҳокимлиги молия бўлими мудири

________________Ж.Садриддинов

"___"____________2022 йил

" К И Р И Т И Л Д И "

Бағдод тумани халқ таълими бўлими мудири

________________Д.Каримова

"___"____________2022 йил